

20 20 yil "20" May № 728

Танловда ғолиб чиқган Даханақақир МФЙга қарашли Зиёкор кўчасида яшовчи фуқаро Мадаминов Рустамжонга пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарада фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган хужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 6-13-53-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 19-50-51-52-моддари ва Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 4-13-31-моддаларига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-25-моддаларини кўллаб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 10.04.2020 йил кунги 101-сонли хулосаси, Ўтказилган танлов якунларига кўра ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 20.04.2020 йил кунги хулосаси, Халқ депутатлари туман кенгашининг 27.04.2020 йил кунги 30/5-6-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Танловда ғолиб чиқган Даханақақир МФЙга қарашли Зиёкор кўчасида яшовчи фуқаро Мадаминов Рустамжонга Ғаниобод ММТП худудидаги туман хокимлиги захира фондига қарашли 24-25-26-28-31-34-37-38-39-40-109 контурлардаги жами: 43.2 га ер майдонлари, шундан 41.3 га экин ери, 0.9 га йўллар, 1.0 га ариқ зовурлардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 (қирқ тўққиз) йилга узок муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Қурбоновга, туман Статистика бўлими бошлиғи О.Абдуллаевга, туман Давлат Солик инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга ҳамда Давлат хизматлари маркази бошлиғи М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан холда давлат рестирларига амалдаги тартибда тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг Қишлоқ ва Сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими



Қ.Джураев